



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2023 yil « 17 » ноябрь

№ ПФ–196

Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб:

бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдори **7 фоизга**;

базавий ҳисоблаш миқдори **3 фоизга оширилсин**.

2. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига **1 050 000 сўм**;

базавий ҳисоблаш миқдори – ойига **340 000 сўм**;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига **372 000 сўм**;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига **725 000 сўм**;

ногиронлик пенсиялари, жумладан иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори – ойига **800 000 сўм**;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори – ойига **800 000 сўм**;

1941–1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда – ойига **3 527 000 сўм**;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (725 000 сўмдан) 800 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори – ойига **800 000 сўм**;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори – ойига **608 000 сўм**;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига **608 000 сўм**;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига **608 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун – **212 000 сўмдан қўшилсин**;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига **608 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун **амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин**.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларида қўшимча қувватларнинг яратилиши, ўқувчилар сони ҳамда бирламчи тиббиёт муассасалари сонининг ортиши натижасида қўшимча штат бирликлари киритилиши ҳисобига иш ҳақи харажатлари учун талаб этиладиган қўшимча маблағларнинг Давлат бюджетидан ажратилишини таъминласин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Фармон ижросини муҳоама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри